

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Норин туман Мактабгача таълим
бўлими мудури



Р.Мамажонов

2022 й

БУЮРТМАЧИ:

« НОРИН ТУМАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БЎЛИМИ»

Норин туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим муассасаларига 2022-2023 йиллар куз-қиш мавсуми учун режалаштирилган кўмир ёқилғиларини кўмир омборидан таълим ташкилотларига бўлган масофага ташиш мақсадида

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Норин тумани -2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Норин тумани мактабгача бўлимига қарашли таълим ташкилотларини 2022-2023 йиллар куз-қиш мавсуми учун режалаштирилган кўмир ёқилғиларини Норин кўмир омборидан таълим муассасаларига бўлган масофага ташиш хизматларини амалга ошириш бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – 48114555 (**Қирқ саккиз миллион бир юз ўн тўрт минг беш юз эллик беш**) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб

1.5. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Норин тумани мактабгача таълим бўлими” (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160400, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Норин тумани, Хаққулбод шаҳри

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Норин мактабгача таълим бўлими” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга жавоб беришини тасдиқловчи ҳужжатлар ва хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ўзининг низоми ва лицензия асосида тақдим этган ҳолда иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

-Устав,гувоҳнома, тасисчининг паспорт нусхалари;

-Инсофсиз етказиб берувчилар руйхатида турмаслиги тугрисида махлумтнома;

-Танловда қатнашиш кунда Давлат солиқ инспекциясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.






3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Норин тумани мактабгача таълим такшилоти
2	Буюртмачи	Норин тумани мактабгача таълим бўлими
3	Буюртма учун асос	Норин туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги таълим муассасаларига 2022-2023 йиллар куз-қиш мавсуми учун режалаштирилган кўмир ёқилғиларини кўмир омборидан таълим муассасаларига бўлган масофага ташиш мақсадида
4	Объектнинг жойлашган манзили	Норин тумани Хақулбод шаҳар
5	Катнашувчи учун талаблар	Иштирокчилар танлов ҳужжатларига ўзбек ва рус тилида тақдим этиши мумкин. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: -қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар
6	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Махсус техника транспортда хизмат қилувчи иловадаги кўрсатилган мактабларнинг белгиланган масофасига етказиб беради, Шартномага асосан учун тахминан 48114555 (Қирқ саккиз миллион бир юз ўн тўрт минг беш юз эллик беш) сўмлик хизмат кўрсатиш режалаштирилган.
7	Иш тури	Махсус транспорт орқали кўмир омборидан мактабларга кўмир ташиш хизматлари.
8	Хизматларни бажариш муддати	Шартномалар имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичида бажаради имзоланган шартнома 2022 йил 31 декабрь ойига қадар амал қилади
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Хизматларни бажариш жараёнида ёнғин, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиниши шарт.
10	Молияташтириш манбаи	Норин тумани бюджет маблағлари ҳисобидан.

Комиссия аъзолари		W. Mamonov
Комиссия аъзолари		N. Il'yayev
Комиссия аъзолари		N. Sinirayeva
Комиссия аъзолари		M. Il'yayeva
Комиссия аъзолари		N. Il'yayeva